

---

## ФАРҒОНАДА ЁШЛАР КУНИ ТАНТАНАЛАРИ КАТТА КОНЦЕРТ ДАСТУРИ БИЛАН ЯКУН ТОПДИ

Фарғона шаҳридаги Ислон Каримов номидаги вилоят театр-концерт саройи очиқ майдонида 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан вилоятимиздаги таниқли санъаткорлар ва ёш истеъдодлар иштирокида катта концерт дастури ташкил этилди.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда мутасадди идоралар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга ўн минг нафардан зиёд фарғоналиклар ҳамда вилоятимиз меҳмонлари ташриф буюрдилар.

Муҳсин Мўминов, Отабек Муҳаммадзоҳид каби таниқли санъаткорлар, ашула ва рақс ансамллари ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларга юқори кайфият бағишлади.

Шаҳар узра порлаган ранг-баранг мушаклар дастурга ўзига хос яқун бўлди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-07-01 09:56:51